

«Ўзпартампоаж» АЖ
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг
4 – сонли БАЁННОМАСИ

03 декабрь 2024 йил
Йиғилиш бошланиш вақти: 11:00

Қоровулбозор шаҳри,
Қарши шоҳ кўчаси, жамият биноси

“Ўзпартампоаж” АЖ санок комиссияси аъзоси М.Эримов сўзга чиқди ва акциядорлар ва уларнинг вакилларининг мазкур акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш учун руйхатдан ўтиш натижаларини маълум қилди, жумладан акциядорларни руйхатга олиш якунига кўра умумий йиғилишда “Ўзпартампоаж” АЖнинг жойлаштирилган жами 8 447 400 дона овоз берувчи акцияларга эгалик қилувчи 392 та акциядорлардан, 8 нафар акциядор руйхатдан ўтган шу жумладан 5 нафар вакил ишончнома асосида қатнашди, уларга тегишли бўлган овоз берувчи акцияларнинг жами 7 084 700 дона ташкил этади, йиғилиш қворуми 83,8 фоизни, яъни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 68-моддасига асосан қворумга эга эканлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 77-моддасига ва “Ўзпартампоаж” АЖ Уставининг 10.2. бандига асосан жамият Кузатув кенгаши раиси ёки раис узурли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда Кузатув кенгашининг бошқа бир аъзоси акциядорлар умумий йиғилишини очади ва раислик қилиши белгиланган.

Мазкур акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида “Ўзпартампоаж” АЖ кузатув кенгаши раиси А.А. Абдужаббаров раис ва йиғилиш баённомасини расмийлаштириш учун йиғилиш қотиби этиб жамият корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджери Н.Қ. Мингяшаров номзодлари тайинлаш учун таклиф этилди. Бу таклиф йиғилиш иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари ичидан 3 кишидан иборат ишчи президиумни ташкил қилиш таклиф қилинди.

Президиум қуйидаги таркибда тайинланди:

“Ўзпартампоаж” АЖ акциядори ва кузатув кенгаши раиси
“PTS DRILLING SERVICES” МЧЖнинг вакили
“INTEGRA EURASIA” МЧЖнинг вакили

А.А.Абдужаббаров
Д.П.Улугхужаев
Ҳ.Р.Сафаров

КУН ТАРТИБИ:

1. “Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. “Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. “Ўзпартампоаж” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини ваколатини муддатдан олдин тугатиш.
4. “Ўзпартампоаж” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш (*қайта сайлаш*).
5. “Ўзпартампоаж” АЖ ишончли бошқарувчисини (ижроия органи) рағбатлантириш тўловини энг юқори миқдорини белгилаш.

Кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси А.А.Абдужаббаров сўзга чиқди. У акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби, санок комиссияси ва регламентини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди.

Мазкур йиғилишда санок комиссия вазифасини бажариш учун қуйидаги таркибдан иборат санок комиссиясини сайлашни таклиф қилди:

- Акмал Олимов;
- Мурод Эримов;
- Ихтиёр Хожиев.



Регламент бўйича кун тартибидаги масалалар 5 тани ташкил этиши ва маърузачиларга 5 дақиқадан вақт ажратишни таклиф этди.

Биринчи ва иккинчи масалалар муҳокамасидан сўнг, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ҳамда санок комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 7084700 та овоз ёки 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

“Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларининг навдатдан ташқари умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин.
2. Санок комиссияси сони ва куйидаги шахсий таркиби тасдиқлансин:
 - Акмал Олимов;
 - Мурод Эримов;
 - Ихтиёр Хожиев.

Кун тартибидаги учинчи ва тўртинчи масалалар юзасидан жамият корпоратив маслаҳатчиси А.Махмудов сўзга чиқди. Ўз сўзида “Ўзпартампоаж” АЖ кузатув кенгашининг 2024 йил 8 ноябрдаги йиғилиш баённомасига асосан жамият акциядорларининг навдатдан ташқари умумий йиғилишини жорий йилнинг 3 декабр кунда ўтказиш белгиланган бўлиб, кун тартибининг 3-масаласи сифатида жамият кузатув кенгаши аъзоларини муддатдан олдин бекор қилиш киритилганлигини маълум қилди.

Бундан ташқари кун тартибига 4-масала сифатида жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш (қайта сайлаш) киритилган бўлиб, акциядорлар томонидан кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун ўз вакиллари сифати жами 13 та номзодлар киритилганлигини маълум қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, учинчи масала муҳокамасидан сўнг, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киришини инobatга олган ҳолда “Ўзпартампоаж” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини ваколатини муддатдан олдин тугатиш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 7084700 та овоз ёки 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

“Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларининг навдатдан ташқари умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзпартампоаж” АЖ кузатув кенгаши аъзолари ваколати муддатдан олдин бекор қилинсин.

Бундан ташқари тўртинчи масала муҳокамасидан сўнг, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59 ва 76-моддаларига мувофиқ “Ўзпартампоаж” АЖ кузатув кенгаши таркибига кумулятив овоз бериш орқали куйидаги аъзоларни сайлаш учун қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

1. Абдужабборов Аваз Абдусатторович (“PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили) – 5943982 та овоз берилди;
2. Мирсаидов Мирсаид Миразизович (“PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили) – 5890082 та овоз берилди;
3. Уткуров Ойбек Отабекович (“PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили) – 5890083 та овоз берилди;
4. Нугманов Файзулло Толгатович (“PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили) – 5890083 та овоз берилди;

5. Убайдуллаев Достон Хабибуллаевич (“PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили) – овоз берилмади;
6. Сеимкулов Есимхон Абдурахимович (“PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили) – овоз берилмади;
7. Юлдашев Дилшод Шухрат угли (“PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили) – 5865700 та овоз берилди;
8. Юнусматов Азамат Мурадович (акциядор) – 8 129 800 та овоз берилди;
9. Омаров Муроджан Юлчибаевич (А.М.Юнусматов вакили) – овоз берилмади;
10. Иргашев Рустам Курбанович (“MAGELAN SERVICES GmbH” Чет-эл Компанияси вакили) – 6 269 770 та овоз берилди;
11. Гафиятуллин Артур Адгамович (“Integra Eurasia” МЧЖ вакили) – овоз берилмади;
12. Гафиятуллин Элина Ҳайдаровна (“Integra Eurasia” МЧЖ вакили) – овоз берилмади;
13. Ахмедов Жамшид Рустамович (“Integra Eurasia” МЧЖ вакили) – 5 713 400 та овоз берилди.

“Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларининг навдатдан ташқари умумий йиғилиши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Ўзпартампоаж” АЖ кузатув кенгаши таркибига қуйидаги аъзолар сайлансин:
 - 1.1. Абдужабборов Аваз Абдусатторович – “PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили.
 - 1.2. Мирсаидов Мирсаид Миразизович – “PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили;
 - 1.3. Уткуров Ойбек Отабекович – “PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили;
 - 1.4. Нугманов Файзулло Толгатович – “PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили;
 - 1.5. Юлдашев Дилшод Шухрат угли – “PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили;
 - 1.6. Юнусматов Азамат Мурадович – акциядор;
 - 1.7. Иргашев Рустам Курбанович – “MAGELAN SERVICES GmbH” Чет-эл Компанияси вакили.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан жамият корпоратив маслаҳатчи А.Махмудов сўзга чиқди. Ўз сўзида “Ўзпартампоаж” АЖ кузатув кенгашининг 2024 йил 8 ноябрдаги йиғилиш баённомасига асосан жамият акциядорларининг навдатдан ташқари умумий йиғилишини жорий йилнинг 3 декабр кунида ўтказиш белгиланган бўлиб, кун тартибининг 5-масаласи сифатида жамият ишончли бошқарувчисини (ижроия органи) рағбатлантириш тўловини энг юқори миқдорини белгилаш киритилганлигини маълум қилди.

“Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларининг 2024 йил 25 май куни ўтказилган навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорига асосан, Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 79-моддасига асосан “Ўзпартампоаж” АЖ ижроия органининг ваколатлари шартнома асосида “Bukhara Gold Techno” МЧЖ тижорат ташкилотига ишончли бошқарувчига берилганлигини таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 июль 2016 йилдаги 207-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 декабрдаги 775-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ ҳамда жамият фаолиятига тадбиқ этилган “Корпоратив бошқарув кодекс” талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, жамиятнинг ижроия органига бир йиллик рағбатлантириш тўловини энг юқори миқдорини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киришини маълум қилди.

Юқорида баён этилганларни инобатга олган ҳолда, кун тартибидаги бешинчи масала муҳокамасидан сўнг, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши “Ўзпартампоаж” АЖнинг ишончли бошқарувчисига (ижроия органи) бир йиллик рағбатлантириш тўловининг энг юқори миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 300 баробари миқдорида белгилаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 7084700 та овоз ёки 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

“Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларининг навдатдан ташқари умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Ўзпартампонаж" АЖ ишончли бошқарувчисига (ижроия органи) бир йиллик рағбатлантириш тўловининг энг юқори миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 300 баробари миқдорида белгилансин.

Йиғилиш раиси:



А.А. Абдужаббаров

Йиғилиш котиби:



Н.Қ. Мингяшаров

Баённома имзоланди « 04 » декабрь 2024 йил.